



Афтидан, бу Алишер Навоийнинг ўз хаёти билан боғлиқ воқеаларни акс эттирувчи газаллардан бири. Чунки унда яқин кишидан ажралиб, шодлиги гамга мубаддал бўлган, каттик кайгу чеккан одамнинг хасрат-ўкинчлари, бевафо ва бебако дунё, унинг нотанти ишларидан норози калбнинг нидоси ифодаланган. Классик шоирлар ўз андухлари, шахсий кечинмаларини ҳам анъанавий образларда, умумий тарзда баён қилишни маъқул кўрганлар, лекин шундай бўлишига карамай, ушбу шеърда анъанавий ифода-истиоралар замири-да самимий инсоний дард, мотамзада юракнинг фиғон-хасрати, нохуш кайфиятини хис этамиз. Бирок газал гарчи андухли оҳангда бошланиб, унда навоиёна ўртаниш — ёнишлар гулгуласи авж пардада кўкка ўрлаган бўлса-да, асар мактаъга келиб умумий умидворлик, илохий ишкка дахлдорлик туйғуси калбга сингади.

Шоир газални жудолик дардидан бетокат дилнинг галаёни-ни тасвирлаш билан бошлайди:

Сокиё, талх ўлди айшим хажр бедоди била,
Тут ачиг майким, ичай Мирзо чучук ёди била.

Агар «Мирзо чучук ёди» деган маълумот бўлмаганида, байтни одатдаги ошикона мазмунли шеърлар каторида таҳлил қилган бўлардик, яъни ошиқнинг хижрондаги изтироблари сифатида талкин этардик. Албатта бу ерда ҳам айрилик хақида гап боради, аммо бу бошқа хилдаги айрилик. Шоир сўфиёна ишки илохий ёхуд севгилисидан ажралган одам кечинмасини эмас, балки меҳр кўйган, азиз тутган одамни йўқотган кишининг холатини каламга олади. Хўш, Мирзо деб Навоий кимни назарда тутган? Ё у Мирзо Чучук лақабли одаммикин? «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Гаройиб ус-сигар» девонларининг 1988 йилги нашрида хақиқатан ҳам бу Мирзо Чучук тарзида ёзилиб, номлар кўрсаткичида тарихий шахслар каторида зикр этилган. Лекин бу одам ким, у каиси тоифадан, нима билан шугулланган, Навоийга қандай алоқаси борлиги хақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Шоир хаётига оид тадқиқотларда ҳам бундай маълумот

йўк, унинг бошка асарларида эса бу номни учратмадик. Фикримизча, бу байтда Навоий Мирзо Чучук лакабли одамини эмас, Мирзо исмли шахсни назарда тутиб, унинг бевакт вафотидан гоят кайгураётганини изхор этган. Яъни «Мирзо Чучук ёди билан» деб эмас, балки «Мирзонинг чучук ёди билан» тарзида ўқишимиз керак. Байтдаги «талх» (аччик) ва «чучук» сўзларининг бир-бирига зид кўйилиши ҳам шунга ишора: Мирзонинг ширин ёди билан аччик май ичай. Бу одам Самаркандда яшаган ва Навоийнинг меҳру мухаббатини козонган, ёшлигида вафот этган истеъдодли шоир Мирзобек бўлиши ҳам, жувонмарг Мўмин Мирзо бўлиши ҳам мумкин, Амма газал «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Гаройиб ус-сигар» девонларига киритилганидан у самаркандлик Мирзобек Вафойи хотирасига багишланган деган тахминимиз тўғрироқ бўлиб чиқади. Энди байтнинг мазмунини келтирамиз: «Эй сокий, айрилиқнинг зулмидан хаётим майи, яъни турмушим аччик бўлди, сен ҳам менга аччик май тут, токи Мирзонинг ширин ёди билан ичайин». Май бу ерда шароб ҳам, рухий сархушлик тимсоли илохий маърифат нури ҳам эмас. Бу инсоний кашриятнинг, рухий изтиробларнинг йигма ифодаси — гаму хасрат рамзи. Шундай килиб, май факат шодлик ва сурур, дилхушлик ифодасигина эмас, мотамзадалик, андухнинг ҳам ифодасидир. Фарқ шундаки, «айшнинг талх» ўлишини ифодаловчи май «аччик майядир. Иккинчи байт:

Сипкориб жоми сипехр, акдохин айлай рез-рез,
Неча чеккайман забунлуг чарх бедоди била.

«Сипехр» — осмон, фалак; «акдох» — қадахлар. Шоир бу сўзлар воситасида ажойиб истиорали тасвир яратган: осмон жомиди май ичиб, унинг қадахларини майда-майда килиб ташлайман, дейди у. Қадимгиларнинг тасавурида осмон етти каватдан иборат, Навоий ана шу каватларнинг хар бирини бир қадах деб олади ва шўришу ошўбим шунчалик зўрки, осмон жомини сипкориб, каватлари — қадахларини чил-чил ки-либ синдириб ташлайман, дейди у. Чунки чархи фалак — осмоннинг зулми хадидан ошган, қачонгача ундан алам, хорлик чекиш мумкин? «Хажр бедоди» ни шоир «чарх бедоди» билан боғлайди, зеро дўстни дўстдан жудо этган, бир дам шодликни раво кўрмайдиган гаддор душман шу забун (паст) ва ситамгар чарх-да! Бу ўринда шундай савол тугиладики, Навоийнинг фалакка қарши бош кўтариши, исёни унинг та-савуфий эътиқодига зид эмасми? Ахир осмону фалакни ҳам оллох яратган-ку. Буни англаш учун «такдир» истилохининг маъносини билишимиз лозим. Такдир ёки тикдири азал — бу киши хаёти, фаолиятининг худо томонидан олдиндан белгиланиши демак. Бу тушунча тасавуфда кенгрок маънода талкин килинади: Мутлак рух томокидан яратилган моддий дунё ўзи мустақил ҳаракат қила бошлаш, одам фарзанди ана шу моддий дунёдан жабр кўради. Мутлақиятнинг ўзидан эмас. Демак, Навоий осмонга қарши газабкор норозилик изхор этганда, тангрига қарши эмас, балки ҳамма вақт инсонга ўз муроди бўйича яшашга имкон бермайдиган чархи фалакка қарши чиккан бўлади.

Зухд кўнглум кўзгусин килмиш мукаддар, эй хариф,
Сингдирурмен тавба пири ишк иршоди била:

«Зухд» — пархез, тийиниш, узлат. «Хариф» — сухбатдош, дўст. «Иршод» — тўгри йўл кўрсатиш, хидоят. «Мукаддар» — губорли, кора, гамгин. Байтнинг маъноси бу турур: «Зухд, яъни зохида тавба-тазарруъ кўнглининг кўзгусини губорлик килибди, эй дўст, бундай тавбани ишк пирининг рахнамолигида синдириб ташлайман». Шоир курук, сохта зоҳидлик билан илохий ишк майидан бахрамандликни карама-карши кўяди, чунки зоҳидлар факат тавба билан чегарала-нар, илохийетни дарк этишнинг орифона лаззатидан беҳабар эдилар. Хақикий сўфийнинг кўнгил кўзгуси илохийет нури билан сайкал топади, зоҳидлик тавбаси, яъни илохийет майидан тавба килиш аксинча кўнгилни хиралаштиради. Тавба тасаввуфда ҳам бор, аммо унда тушунча тарикат йўлига киришнинг биринчи босқичи, харом-халолдан тийинишни англатади. Зоҳид тавбаси, шундай килиб, тараккий топмаган, намойишкорона тавбадир. Осмон қадахларини «синдириш» билан зухд тавбасини «синдириш» орасида алока борми? Агар зоҳидлик билан осмон, яъни дунё ва дунёпарастликни алокадор деб ҳисобласак, унда осмон қадахини синдириш билан зухд тавбасини синдириш ҳам алокадор бўлиб чиқади.

Бевафолик гар бўлурким килди ул шўх, эй кўнгул,
Сирфа килмас ошнолиг одам авлоди била.

Бу байтнинг маъноси «сирфа» сўзининг («Гаройиб ус-сигар» девонининг 1959 йилги ва «Бадоеъ ул-бидоя»нинг 1988 йилги нашрида мазкур сўз шу кўринишда чоп этилган) маъносини англаш оркали билиб олинади. Алишер Навоий асарларининг изохли лугатида «сирфа» — жабр, зулм, жафо деб тушунтирилган ва ушбу байт мисол килиб келтирилган. «Фарханги забони тожик» лугатида мазкур сўз йўк, балки «сирф» сўзи борким, унинг маъноси холис, соф, факат, ҳечдир. «Гиёс ул-лугатяда ҳам сирф (сирфа сўзи йўк) сўзи шу хилда изохланган. Кани, зулм, жабр маъносини кўйиб кўрайлик-чи: «Эй кўнгил бевафолик агар ул шўх килган даражада бўлса, зулм (жабр) килмас ошнолик одам авлоди била». Кўриниб турибдики, маъно чикмади; зулмининг ошнолик килиш ёки килмаслиги мантиксизлик. Энди «холис», «соф», «ҳеч» сўзларини кўллаймиз: «Бевафолик агар ул шўх килганчалик бўлса, холис (соф) килмас ошнолик одам авлоди била» ёки: «Бевафолик агар ўша шўх килганчалик бўлса, ҳеч килмас ошнолик одам авлоди билан». Бу жумлаларда ҳам аник маъно йўк, байт китобхон учун жумбок бўлиб тураверади.

«Гиёс ул-лугат»да мазкур сўзнинг «сарф» ва «сарфа» шакллари ҳам келтирилиб изохланган. Сарф — олтин ва кумушни саралаш, харажат килиш, сарфлаш, шунингдек, бута, хийла ва ходиса, замоннинг айланиши, умуман айланиш ва бирор нарсанинг тўнтарилиши. Сарфа — ёрук юлдуз, у Ой манзилларидан ўн иккинчисининг номидир, бахиллик, ҳасисликни билдиради: хийла, макр, зиёдалик рамзи. Бу маъноларнинг қайси

бири Навоий байтига мос келади? Агар феъл сўзни оладиган бўлсак, сарфлаш, харажат килиш, агар равишни оладиган бўлсак, сира, кеч, агар от сўз керак бўлса, юлдуз, фалак маъносида олишимиз мумкин. Сарфлаш маъносида: «Ул шўхнинг бевафолига — жабру ситами шунака бўлса, у одам авлоди билан ошнолик килмайди, яъни одам авлодига ошнолигини сарфламайди». Бунда «ул шўх» — пари, рух, умуман реал бўлмаган хилкат сифатида англашилади. Сира маъносида: «Агар ул шўхнинг бевафолиги шунака бўлса, у одам авлоди билан сира ҳам ошнолик килмайди». Юлдуз маъносида: «Бевафолик агар ул шўх килганчалик бўлса, Сарфа, яъни юлдуз одам авлоди билан ошнолик килмайди». «Сарфа» сўзининг яна тежаш, фойда маънолари ҳам бор: «Агар бевафолик ул шўх килганчалик бўлса, одам авлодига ошноликни тежамайди» ёки: «Бевафолик агар шу бўлса, яъни у шўх килганчалик бўлса, одам авлоди билан ошнолик фойда килмайди». Кейинги талкинда маъно борга ўхшайди, дархакикат, махбубанинг бевафолигини кўрган лирик кахрамон «Одам боласи билан ошнолик килишнинг фойдаси йўқ экан», деган хулосага келиб, хафсаласи пир бўлиши мумкин. Шунинг учун «Гаройиб ус-сигар» нинг янги нашрида «сирфа» сўзининг «сарфа» деб тузатилганини маъқуллаш лозим. Навоий ўлимни айрилик деб, ошикка зулм деб олар экан, уни бевафолик ҳам деб атайди. Ошикни догда колдириб, ташлаб кетиш... Чархнинг, замонанинг бевафолиги, ситамидан бир нишона бу. Шу нуктада «сарфа» сўзининг замон айланиши, юлдуз (чархи фалак тимсоли), хийла, макр, хасислик маънолари ҳам туташади. Фалак одам авлоди билан ошнолик килмайди ва хоказо.

Ваҳки синди нахли уммедим, хушо ул богбон,
Ким эрур хушхол бир навраста шамшоди била.

Маъноси: «Умидим нихоли синди, эвох нобуд бўлди. Кўқарган шамшоди билан хушхолу хурсанд юрган богбонга хавасим келади, кандай яхши!» Аламли ўкинч ва дард бор бу мисраларда — нахли уммедини йўкотган одамнинг ичидан отилиб чиккан ўкирик ва бошкаларга нигоҳ ташлаб таскин топиши. Унинг нихоли синган, умидлари чилпарчин, аммо бошка богбонларнинг нихоли кўқарган, улар шод. Бу хасад эмас, бу умидли нигоҳ, хаёт абадиятини хис этиш. Байтдаги «синди» сўзи олдин ўкиганимиз «рез-рез», «синдирурман» сўзларини эсга солади. Синиш — ўлим, синиш — исён, рухий зилзила. Фалак зулми, ажал шамоли унинг умид нихолини синдирди, у бўлса бир газабга келиб, осмон кабатларини синдиришга чоғланади, бир аччик-аччик хасрат майини сипкоради, бир «навраста шамшодихдан хушхол богбонларга караб таскин топади. Шоир аламзада одамнинг рухиятидаги ўзгаришларни бир нечта шеърий байтда ана шундай теранлик билан чизади. Кейинги байтларда таскин оханги, ноиложлик, ночорлик давом эттирилган, Масалан, олтинчи байт:

Чун худо Лайли кулокин ёлкитур, Мажнун, не суд
Тогни гар келтурур афгонга фарёди била.

Яъни: «Эй Мажнун, фарёдинг билан тогни фиғонга келтири-шингдан нима фойда. Лайлининг кулогига туякашларнинг хиргойиси ёкмаяпти-ку. Шоир ўзининг оху ноласидан пушай-мон, чунки бўзлаб дод солишлар, фалакнинг гирибонидан олиш ҳеч бир нафъ келтирмайди, ҳеч ким уни эшитмайди. Хатто Лайли ҳам Мажнуннинг фарёдларидан тўйган». Навоий инсоннинг тақдир қаршисида ожизлигини таъкидламоқчи. Укириқлар беҳуда, ундан кўра муаззам, беҳудуд Ишк саҳросига қадам кўй, ўзингни шу билан овути — нажот шунда, деб уқтиради у:

Эй Навоий, ишк саҳросида худ кўйдинг қадам,
То нечук лошқайсан ул поёни йўк водий била.

Ишк водийси — илохий даргоҳ, бир-биридан ажралган дўстларнинг васлга эришадиган, дийдор кўришадиган жойи. Инсон руҳи ўз махрамини излаб топади. Навоий ва унинг замондошларининг ишонч-имони шундай эди. Шу сабабли шоир ишк водийсига кирдингми, имиллама, олдинга интил, дейди. Яъни: «Эй Навоий, ишк саҳросига қадам кўйганингдан кейин, энди нега бўшашасан («лошқайсан» — қадимги туркий сўз бўлиб, бўшашмоқ, имилламоқ маъноларини билдиради) поёни йўк бу водийда». Газал Навоийга ҳос ана шундай мантикий яқун — шоирона, руҳбахш оҳанг билан ниҳоясига етган.

Нажмиддин Комилов